

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АРЗИЕВ ИСМОИЛ**

**ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЭРТА**  
**БИЛИАР АСОРАТЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**  
**ТАКТИКАСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of dissertation abstract doctoral dissertation**

**Арзиев Исмоил**

Холецистэктомия операциясидан кейинги эрта билиар асоратларнинг  
диагностикаси ва даволаш тактикасини мақбуллаштириш ..... 5

**Арзиев Исмоил**

Оптимизация диагностики и лечебной тактики при ранних билиарных  
Осложнениях после холецистэктомии ..... 21

**Арзиев Исмоил**

Optimization of diagnostics and therapeutic tactics in early biliar complications  
after cholecystectomy ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АРЗИЕВ ИСМОИЛ**

**ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЭРТА  
БИЛИАР АСОРАТЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ  
ТАКТИКАСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Tib.1103 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зафаржон Қурбаниязов**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ўроқов Шухрат Тўхтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Махмадов Фаррух Исроилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Тожикистон Республикаси)

**Етакчи ташкилот:**

**Академик В.Вахидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№121 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н.Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда йилига 2,5 млн. дан ортиқ холецистэктомия ўтказилади. Миниинвазив операциялар лапароскопик ёки очиқ усулда минилапаратом холецистэктомия операциялари жарроҳликда «олтин стандарт» га айланган ва бир бирини изчил равишда тўлдириб боради. Шу билан бирга, «...ушбу операциялардан кейин асоратлар учраш даражаси турғун ва йўл қўйиб бўлмас даражада юқори бўлиб, 1,5-6,8% ни ташкил қилган...»<sup>1</sup>. Турли усулларда бажарилган холецистэктомиялардан кейин сафро оқшининг учраш даражаси 0,53-6,3% га етади. Замонавий жарроҳлик ютуқларига қарамасдан, «...холецистэктомиядан кейин сафро оқиш муаммоси қийин ҳал этиладиган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда»<sup>2</sup>. Ўт йўлларидаги амалиётлардан кейин операция асоратлари орасида операциядан кейинги эрта даврда сафро оқшини мустақил муаммо сифатида кўриб чиқиш лозим, чунки у жуда жиддий оқибатларга олиб келади ва одам ҳаёти учун хавfli бўлади.

Дунё микёсида, билиар тизим касалликларида анъанавий ҳамда эндоскопик усуллар билан ўтказилган операциялардан кейин энг кўп учрайдиган интраабдоминал асоратлар нафақат ташқи, балки қорин бўшлиғига сафро оқиши, сафроли перитонит ҳам киради. Адабиётларда холецистэктомия ўтказиш билан боғлиқ бўлган билиар асоратлар муаммосига бағишланган кўп сонли илмий ишлар чоп этилган. Бундай асоратларнинг учраш даражаси 1,2% дан 5,1% ни ташкил этган, айрим ҳолларда эса 24,5% гача етган. Операциядан кейин сафро оқшининг асосий сабаблари «кичик» шикастланишлар – ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги, ўт халта ётоғида аберрант ўт йўллари (Люшка йўллари), гепатикохоледохдан дренаж найининг тушиши, бўлганидек, «катта» шикастланишлар - магистрал ўт йўллариининг ятроген шикастланишлари ҳам бўлади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва хизмат турларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, беморлар ўт йўлларида операциядан кейин вужудга келадиган асоратларни даволаш сифатини яхшилашда муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун ўт тош касаллиги асоратларини даволашнинг янгича усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ...» вазифалари белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни

<sup>1</sup>World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. [www.who.int/iris/handle/10442/133876](http://www.who.int/iris/handle/10442/133876).

<sup>2</sup>Abtar HK, Mhana TM, Zbibo R, Mneimneh M, Asmar AE. First case report of bile leak from the duct of Luschka in a patient with mini-gastric bypass: The challenge of management. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Sep 20;35:29-32.

жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган<sup>3</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ бажарилган VI. «Тиббиёт ва фармакология».

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сафро оқиш манбаси, қайта аралашувларга кўрсатмаларни аниқлаш усули ҳамда ушбу асоратларни коррекция қилиш йўлини танлашга турли, баъзан қарама-қарши ёндашувлар мавжуд (Хаджибаев А.М. ва ҳаммуал., 2019; Lubikowski J. et al, 2011).

Холецистэктомиядан (ХЭ) кейин сафро оқишини патогенезида катта дуоденал сўргич стриктураси, холедохолитиаз, ўткир панкреатит оқибатида бартараф этилмаган сафро гипертензияси муҳим рол ўйнайди. Сафро оқиш механизми билиар тизимдаги функционал гипертензияга боғлиқ бўлиб, жигардаги яллиғланиш сабабли унинг функцияси кучайиши натижасида содир бўлади. Назыров Ф.Г. ва ҳаммуал., (2019) ХЭ да жигар ўт халта ётоғидаги майда ўт йўллариининг оз шикастланиши ҳам қорин бўшлиғига операциядан кейинги даврда кучли сафро оқишига олиб келиши мумкин. Бу фикр Bobkiewicz A. et al. (2019) томонидан ҳам айtilган.

Мазкур муаммо билан шуғулланувчи етакчи клиникалар ўткир ва сурункали калкулез холецистит туфайли беморларда операциядан кейинги эрта даврда сафро оқиши кузатилган турли хил ХЭ ларнинг бажарилиш натижалари баҳоланган. Сафронинг ўт халта чўлтоғидан оқиши қуйидаги холатларда кузатилган: клипсанинг жойидан силжиши натижасида келиб чиқадиган етишмовчилиги туфайли, холедохнинг терминал қисмида ўтказувчанликнинг бузилиши ва ўт йўллари тизимида босимнинг тез ва юқори кўтарилиши натижасида бўлиши мумкин. Тўқималар яллиғланганда ва инфильтрация жараёнида, шунингдек интраоперацион қон кетиш фониди, ўт халта чўлтоғига ишлов берилаётганда, клипсанинг нотўғри қўйилиши, сафро оқиш асоратига олиб келади (Хворостов Е.Д. ва ҳаммуал., 2018).

Donatelli G. et al. (2014) фикрига кўра, ўт халта йўли кенгайиб кетганда, унга ўлчами тўғри келмаган клипсалар қўйилиши ҳам шунга ўхшаш оқибатларга олиб келади. Операциядан кейинги перитонит ривожланиши асосий сабаби сафронинг қорин бўшлиғига эркин ажралиши ҳисобланади. Сафроли перитонит даражаси, сурункали холециститларда 0,4% дан 4% гача

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 – февралдаги № ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». Қонун ҳужжатлари тўплами.

ўзгариб, ўткир холециститларда 10% гача етиши мумкин (Каримов Ш.И. ва ҳаммуал., 2017; Limaylla-Vega H. et al, 2017).

ХЭ дан кейин сафро оқшининг клиник кўриниши қуйидаги омилларга боғлиқ: сафро оқши тезлиги; сафро манбаси чегараланиш даражаси; сафронинг инфекцияланиш даражаси; дренаж найининг бор ёки йўқлиги ҳамда сафронинг қаерга ажралиши. Агар сафро дренаж ёки троакар киритилган жойлар орқали ташқарига оқса, сафроли оқма, агар қорин бўшлиғига оқса, у ҳолда билема сафроли асцит, сафроли перитонит ривожланиш эҳтимоли мавжуд (Гальперин Э.И. ва ҳаммуал., 2010; Boldin V.V. et al, 2018).

Қорин бўшлиғига сафро оқшининг эрта диагностикасидаги қийинчиликлар қайта жарроҳлик аралашувнинг кечиктирилиб бажарилишига ва бунинг оқибатида, даволашнинг салбий натижаларига олиб келади. Бошқа томондан, диагноз қўйишнинг мураккаблиги туфайли 0,6-17% беморларда асоссиз релапаротомиялар бажарилади. Операциядан кейинги даврда ўтказиладиган интенсив терапия, антибиотиклар ҳамда замонавий оғриқсизлантириш усулларининг қўлланилиши ривожланадиган асоратнинг клиник кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб, қорин бўшлиғидаги ўткир жараён белгиларини йўқотади. Шунинг учун асоратларнинг анаъанавий клиник кўриниш камдан кам ва одатда, кеч ривожланади, релапаротомиянинг ўтказилиши эса ўлим ҳолатининг юқори бўлишига олиб келади. Шунинг учун салбий натижа гумон қилинганда, фаол динамик кузатув бошланиши билан аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор текширишларни ўтказиш зарур (Бебуришвили А.Г ва ҳаммуал., 2009; Seon Ung Yun et al, 2015).

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг «Жигардан ташқари сафро йўлларидаги шикастланишларни диагностика ва жарроҳлик билан даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2016-2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** холецистэктомия операциясидан кейинги эрта билиар асоратларни, замонавий миниинвазив усулларни қўллаб, диагностика қилиш ва даволаш тактикасини мақбуллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

касалликнинг босқичи ва операция муддатига боғлиқ равишда холецистэктомиянинг турли хил усулларидан кейин сафро оқиш даражаси ва унинг ривожланиш сабабларини аниқлаш;

сафро оқишнинг ҳажми, манбаи ва клиник намоён бўлишига боғлиқ равишда, холецистэктомиядан кейинги эрта даврда беморларда сафро оқшини аниқлаш ва ўз вақтида коррекция қилишга қаратилган нурли ва эндоскопик усуллардан фойдаланиб, диагностика ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ўт йўллариининг «кичик» шикастланишларида сафро оқиши кузатилган беморларни даволашда миниинвазив технологиялардан фойдаланиб, таклиф қилинган диагностика ва даволаш алгоритмининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

магистрал ўт йўлларида шикастланишлари натижасида сафро оқиши кузатилган беморларни жарроҳлик усулида даволашнинг тактик-техник жиҳатларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** 2000 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-сон клиникасида ўт тош касаллиги билан холецистэктомия ўтказган, операциядан кейинги эрта даврда билиар асорат - сафро оқиши ривожланган 93 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Холецистэктомиядан кейин сафро оқиши кузатилган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлили.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, ултратовуш, нурли, эндоскопик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

холецистэктомиянинг турли усулларида кейинги эрта даврда ривожланган сафро оқиши даражаси, яллиғланиш жараёни босқичлари ҳамда операциянинг бажарилиш муддатлари аниқланган;

сафро оқишининг даражаси унинг сабабларига боғлиқлиги, I- ва II- даражали сафро оқиши сабаби ўт йўлларидаги «кичик» шикастланишлари, III-даражали сафро оқиши сабаби «катта» шикастланишлар гепатикохоledохнинг нуқсонсиз ва нуқсонли кесилиши эканлиги аниқланган;

I- ва II-даражали сафро оқиши билан кузатиладиган «кичик» шикастланишларни замонавий нурли ва эндоскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда аниқлаш, жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш бўйича диагностика ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган, диапневтик, трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик даволаш усулларида юқори самарадорлиги исботланган;

магистрал ўт йўлларида реконструктив операциялар Ру бўйича юқори прецизион гепатикоеюноанастамоз шакллантириш ва Нерр-Сойнауд ҳамда Саттел усулларида фойдаланган ҳолда билиодегистив анастамоз яратишнинг тактик-техник жиҳатлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

УТ назорати остида пункция усуллари, релапароскопия, трансдуоденал эндоскопия қўлланилишига кўрсатмалар аниқланган, холецистэктомиядан кейин эрта билиар асоратларни диагностика қилиш ва даволашда уларнинг имкониятлари кўрсатиб берилган;

манбаи, даражаси ва клиник намоён бўлишига боғлиқ равишда сафро оқишини жарроҳлик билан коррекция қилиш усулларида танлаш алгоритми тавсия қилинган;

«кичик» шикастланишларда I- ва II-даражали сафро оқишини даволаш учун релапаротомиялар сонини сезиларли даражада камайтириш имконини берадиган турли миниинвазив аралашувларни қўллашга кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

магистрал ўт йўлларида шикастланиши кузатилган беморларда асоратлар ва летал ҳолатлар даражасини камайтириш имконини берган жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши,

олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш усуллари, операциядан кейинги эрта билиар асорат кузатилган беморларга замонавий миниинвазив усулларни қўллаб диагностика ва жарроҳлик йўли билан даволаш, хулосалар вариацион таҳлил каби статистиканинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда чиққан натижалар асосланган.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти холецистэктомия турли усулларидан кейинги эрта даврда ривожланган сафро оқиши даражаси, яллиғланиш жараёни босқичлари, операция бажарилиш муддатлари аниқланганлиги, I- ва II-даражали сафро оқиши сабаби ўт йўллариининг «кичик» шикастланишлари, III-даражали сафро оқиши сабаби «катта» шикастланишлар гепатикохоledохнинг нуқсонсиз ва нуқсонли кесилиши эканлиги аниқланганлиги, I- ва II-даражали сафро оқиши билан кузатиладиган «кичик» шикастланишларни жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш бўйича даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, диапевтик, трансдуоденал эндоскопик ва лапароскопик даволаш усуллари юқори самарадорлиги исботланганлиги, магистрал ўт йўлларида Ру бўйича юқори прецизион гепатикоеюноанастамоз шакллантириш ва Нерр-Сойнауд ҳамда Cattel усулларидан фойдаланган ҳолда билиодегистив анастамоз яратишнинг тактик-техник жиҳатлари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пункция усуллари, релапароскопия, трансдуоденал эндоскопия қўлланилишига кўрсатмалар аниқланганлиги, холецистэктомиядан кейин эрта билиар асоратларни диагностика қилиш ва даволашда уларнинг имкониятлари кўрсатиб берилганлиги, манбаи, даражаси ва клиник намоён бўлишига боғлиқ равишда сафро оқишини жарроҳлик билан коррекция қилиш усуллариини танлаш алгоритми тавсия қилинганлиги, «кичик» шикастланишларда I- ва II-даражали сафро оқиши даволаш учун релапаротомиялар сонини камайтириш имконини берадиган турли миниинвазив аралашувларни қўллашга кўрсатмалар ишлаб чиқилган, магистрал ўт йўллари шикастланиши кузатилган беморларда асоратлар ва летал ҳолатлар даражасини сезиларли даражада камайтириш имконини берган жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши** Холецистэктомиядан кейин сафро оқиши кузатилган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

холецистэктомиядан кейинги эрта даврда сафро оқишини жарроҳлик усули билан даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Холецистэктомия операциядан кейинги эрта даврда сафро оқишини жарроҳлик билан тузатиш усули» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31-декабрдаги 8н-р/684-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома холецистэктомиядан кейинги эрта билиар асоратларни жарроҳлик йўли билан даволаш сифатини яхшилаш имконини берган;

холецистэктомиядан кейинги эрта даврда сафро оқиши сабаблари бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Холецистэктомия операциясидан кейинги эрта даврда сафро оқиши. Сабаблари ва жарроҳлик даволаш усуллари» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29-январидаги 8н-р/80-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома холецистэктомиядан кейинги эрта билиар асоратлар сабабларини аниқлаш ва касалликни прогноз қилиш имконини берган;

холецистэктомиядан кейин эрта билиар асорат кузатилган беморлар диагностикаси ва жарроҳлик даволаш натижаларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий маълумотлар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-сон клиникаси, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаларига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4-апрелдаги 8н-з/65-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида холецистэктомиядан кейинги эрта даврда асоратлар 17,8% дан 8,1% гача, олис даврдаги асоратлар 14,7% дан 5,4% гача пасайтириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Холецистэктомиядан кейинги эрта даврда сафро оқиши. Диагноз қўйиш ва жарроҳлик йўли билан даволашдаги муаммолар»** холецистэктомиядан кейин ўт йўлларидаги асоратлари ва хусусан, сафро оқиши, пайдо бўлиш сабаблари, таснифи, замановий диагностика ва даволашнинг замановий усуллари, даволашнинг долзарб масалаларининг моҳиятини очиб берилган адабий шарҳ берилган, адабиёт манбаларни батафсил кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Клиник кузатувларнинг характеристикаси ва диагноз қўйиш усуллари» Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси жарроҳлик бўлимида 2000 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда стационар даволанган ўт тош касалиги билан касалланган 5247 нафар беморларни текшириш натижалари келтирилган.

Улардан 93 нафарида холецистэктомия операциясидан кейинги эрта даврда билиар асорат – сафро оқиши кузатилган. Ушбу асоратнинг клиникаси 71 беморда (76,3%) дренаждан ташқарига сафро оқиши ва 22 (23,6%) да қорин бўшлиғига сафро оқиши билан тафсифланган.

Операциядан кейин сафро оқиши 3 та оғирлик даражага L.Morgenstern (2006) таснифи бўйича ажратилган. I-даражали сафро оқиши – қорин бўшлиғига қўйилган дренаж най орқали суткасига 100 мл гача, ёки ўт халта ётоғида 100 мл дан кам ҳажмда суюқликнинг чегараланиб тўпланиши - 33 нафар (35,4%) беморда аниқланган. II-даражали сафро оқиши – дренаж най орқали суткасига 500 мл гача, ёки жигар усти ва жигар ости соҳасида эркин суюқлик тўпланиши - 29 нафар (31,1%) беморда аниқланган. III-даражали сафро оқиши – дренаж най орқали суткада 500 мл ва ундан кўп, ёки қорин бўшлиғининг 3 ва ундан кўп соҳаларида эркин суюқлик тўпланиши - 31 нафар (33,3%) беморда кузатилган.

12 та кузатувда операциядан кейин сафро оқишининг манбаи ўт халта ётоғида қўшимча (абберант) ўт йўллари (Люшка йўллари), 13 та кузатувда – клипсаларнинг силжиши оқибатида ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги бўлган, 5 нафар беморда гепатикохоледохга ўрнатилган дренажнинг ўз-ўзидан тушиши оқибатида гепатикохоледох деворидаги нуқсондан сафро оқиши, 31 та ҳолатда – магистрал ўт йўлларида ятроген шикастланишлари аниқланган. 32 та кузатувда сафро оқишининг манбаи аниқланмаган, чунки у консерватив даволаш таъсирида ўз-ўзидан тўхтаган (1-расм).



1-расм. P. Neuhaus (2000) бўйича операциядан кейин сафро оқиш манбалари

ЛХЭ дан кейин сафро оқиши - 2,1% (43), очик минилапаратом ХЭ дан кейин 1,1% (29), кенг лапаратом ХЭ дан кейин эса 2,4% (12 нафар) беморларда кузатилган. Мазкур асорат билан 9 нафар бемор бизга бошқа стационарлардан олиб келинган. ХЭ дан кейин сафро оқиши билан асоратланган беморларнинг ўртача ёши  $49 \pm 5,1$  ёшни ташкил қилган, эркаклар 23 нафар ва аёллар 70 нафар, яъни 1:4 нисбатда, лекин ўт тош касаллиги бўлган беморларни операция қилишнинг гендер структурасида бу нисбат 1:6 га тенг бўлган.

Сафро оқиши кузатилган 93 нафар бемордан 64 (68,8%) нафари ўткир деструктив холецистит сабабли ургент кўрсатмалар бўйича, 29 (31,1%) нафари эса сурункали калкулёз холецистит сабабли операция қилинган. Сафро оқиши режали операциялардан кўра шошилиш операциялардан кейин 2 марта кўп кузатилган. Операциядан кейинги эрта даврда ХЭ дан кейин сафро оқишида беморларга УТТ (93), РПХГ (24), фистулохолангиография (14), интраоперацион холангиография (14), МРПХГ (13), релапароскопия (12) ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Холецистэктомия операциядан кейинги эрта даврда сафро оқиши кузатилган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш**» таққосланадиган тадқиқот гуруҳларига бўлинган беморларни жарроҳлик даволаш натижалари келтирилган. Асосий гуруҳ 2010-2019 йилларда операция бўлган, холецистэктомиядан кейинги сафро оқиши кузатилган 37 нафар, таққослаш гуруҳи 2000-2009 йилларда операция бўлган 57 нафар бемордан иборат. Таққослаш гуруҳида I даражали сафро оқиши 19 нафар беморда кузатилган, 7 нафар беморга жигар ости соҳасида сафронинг чекланган миқдорда тўпланиши яъни билома шаклланишида, жигар ости соҳасининг дренажланиши билан контраппертуранинг реканализацияси ўтказилган.

3 нафар беморга релапароскопия ўтказилиб, 1 ҳолатда сафро оқиш манбаъи сифатида аберрант ўт халта йўли аниқланган ва клипсланган. 2 кузатувда жигар ости соҳасида тўпланган сафро эвакуация қилинганидан сўнг сафро оқиш манбаи аниқланмаган.

2 нафар беморга релапаротомия ўтказилган, бунда 1-кузатувда қорин бўшлиғига сафро оқшининг сабаби ўт халта чўлтоғидан дренаж найнинг тушиб қолиши бўлган ва у такроран ўрнатилган. Яна 1 кузатувда қорин бўшлиғи оққан сафро тозалангандан кейин сафро оқиш манбаси аниқланмаган.

7 нафар беморда қорин бўшлиғига қўйилган дренаж найдан сафро оқиши операциядан кейинги 4-10 суткада ўз-ўзидан тўхтаган, шу сабабли махсус жарроҳлик усуллари ёрдамида коррекция қилиш талаб этилмаган (1-жадвал).

Таққослаш гуруҳида II даражали сафро оқиши 17 нафар беморда кузатилди. Мазкур асорат ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги оқибатида 8 нафар беморда ривожланган. ЛХЭ дан кейин 3 нафар беморга релапароскопия, ўт халта йўлининг такрорий клипсланиши ўтказилди. 2 нафар беморда ўт халта чўлтоғи етишмовчилигининг сабаби резидуал холедохилитиаз ва билиар гипертензия бўлган. Ушбу беморларга

релапаротомия, холедохолитотомия ва холедохни ташқи дренажлаш операцияси бажарилган. Ўт халта чўлтоғи етишмовчилиги оқибатида сафроли перитонит бўлган яна 3 нафар беморга ҳам релапаротомия, ўт халта чўлтоғини боғлаш ва қорин бўшлиғи санацияси ўтказилган.

### 1-жадвал

#### Таққослаш гуруҳида «кичик» шикастланишларда I даражали сафро оқишини жарроҳлик усулида коррекция қилиш (n=19).

ХЭ дан кейин сафро оқиш манбаи (P. Neuhaus бўйича)		Ўтказилган амалиётлар турлари	Сони
Пери-ферик, кам сафро оқиши	A <sub>1</sub> - ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги	Релапаротомия, ўт халта чўлтоғининг такрорий дренажланиши	1
	A <sub>2</sub> – аберрант ўт йўллари	Релапароскопия, аберрант ўт халта йўлининг клипсланиши, қорин бўшлиғининг санацияси, ўт халта ётоғининг дренажланиши	1
Сафро оқиш манбаи идентификация қилинмади		Контраппертуранинг реканализацияси ва жигар ости соҳаси дренажланиши	7
		Релапароскопия, жигар ости соҳаси санацияси ва дренажланиши	2
		Релапаротомия, жигар ости соҳаси санацияси ва дренажланиши	1
		Сафро оқишининг ўз-ўзидан тўхташи	7
		Жами	19

Шунингдек ГХ дан дренаж найнинг ўз-ўзидан тушиб қолиши аниқланган 2 нафар беморга релапаротомия, умумий ўт йўлини такроран дренажлаш бажарилган.

### 2-жадвал

#### Таққослаш гуруҳидаги «кичик» шикастланишларда II даражали сафро оқишини жарроҳлик усулида коррекция қилиш (n=17).

ХЭ дан кейин сафро оқиш манбаи (P. Neuhaus бўйича)		Ўтказилган амалиётлар турлари	Сони
Пери-ферик, кам сафро оқиши	A <sub>1</sub> - ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги	Релапароскопия, ўт халта чўлтоғининг такроран клипсланиши	3
		Релапаротомия, ўт халта чўлтоғининг такроран боғланиши	3
		Релапаротомия, холедохолитотомия, холедохнинг дренажланиши	2
	A <sub>2</sub> - ўт халта ётоғидаги аберрант ўт йўллари	Релапароскопия, аберрант ўт йўлларининг клипсланиши	3
		Релапаротомия, аберрант ўт йўлларининг боғланиши	4
	C <sub>1</sub> – ГХ нуқсони (ГХ дан дренажнинг ўз-ўзидан тушиши)		Релапаротомия, гепатикохоледохни такроран дренажланиши
		Жами	17

Аберрант ўт йўллари, ўт халта ётоғидан сафро оқиши кузатилган 7 нафар бемордан, сафро оқиши релапароскопияда (3), релапаротомияда (4) тўхтатилган. II даражали сафро оқиши бўлган ушбу гуруҳдаги беморларга (100%) сафро оқишини коррекция қилиш учун жарроҳлик амалиёти ўтказилган (2-жадвал).

Магистрал ўт йўлларининг шикастланиши таққослаш гуруҳида 20 нафар беморда III даражали сафро оқиши кузатилди, улардан 5 нафари жигар ўт йўлининг проксимал чўлтоғи дренажи билан бошқа стационарлардан кўчирилган. Қайта тиклаш операциялари 9 нафар беморда ўтказилган. Улардан гепатикохоledохнинг тангенциал шикастланишида 4 нафар беморга Т-симон дренажда нуқсонни тикиш амалга оширилган.

Гепатикохоledохнинг тўлиқ нуқсонсиз кесилиши билан 5 нафар беморга билиобилиар анастомоз қўйилган. 11 нафар беморда реконструктив операциялар ўтказилган: 3 нафар беморга гепатикодуоденоанастомоз қўйилган; 8 нафар беморга жигар орқали каркасли дренажлаш билан гепатикоеюноанастомоз қўйилган. Ру бўйича ГЕА, гепатикохоledохнинг тўлиқ кесилиши интраоперацион аниқланганида 2 нафар беморда ўтказилган. 6 нафар беморга 1-босқичда гепатикохоledох проксимал чўлтоғининг ташқи дренажланиши амалга оширилган, 2-босқичда барча ҳолатларда ЖОКД билан Ру бўйича ГЕА қўйилган (3- жадвал).

### 3-жадвал

#### Таққослаш гуруҳидаги беморларда ГХ шикастланишларида ўтказилган реконструктив-қайта тиклаш операциялари.

Шикастланиш даражаси	ГХ ни дренажда тикилиши		Билио-билиар анастомоз		Гепатико-дуодено анастомоз		ЖОКД да гепатикоеюноанас - тоmoz		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%
«+2»; «+1» даража	4	20	5	25	3	15	3	15	15	75
«0» даража	-	-	-	-	-	-	4	20	4	20
«-1» даража;	-	-	-	-	-	-	1	5	1	5
Жами	4	20	5	25	3	15	8	40	20	100

I-даражали сафро оқишида асосий гуруҳдаги беморларда (14 нафар бемор) перитонит белгилари бўлмаганда, беморлар умумий аҳволи қониқарли бўлиб, қон таҳлилларида ўзгаришлар аниқланмаганда ултратовуш мониторинг ёрдамида динамик кузатув, ҳамда спазмолитиклар, инфузион ва антибактериал терапия воситасида консерватив даволаш ўтказилди. Ушбу беморларнинг 9 нафарида даволаш самарали бўлиб, дренаж бўйлаб сафро оқиши жадал камайди ва 3-7 кун давомида тўлиқ тўхтади. Шунинг учун бошқа диагностика ва даволаш муолажалари талаб қилинмаган.

3 нафар беморга жигар ости соҳасида тўпланган сафрони эвакуация қилиш мақсадида УТТ назорати остида билома пункцияси бажарилган, бунда 1 нафар беморда сафро оқшининг сабаби холедохдан дренаж найнинг тушиши бўлган (2-расм).



**2-расм. УТТ назорати остида билома пункцияси.**

Яна 2 нафар беморда консерватив даволаш самарасиз бўлган, сафро оқиши суткасига 200-250 мл миқдорда ажралиши билан давом этган ва уларда РПХГ ва ЭПСТ ўтказилган (3.-расм). 1 нафар беморда сафро оқшининг сабаби ўт халта чўлтоғи етишмовчилиги, 1 нафар беморда сафро оқиш манбаи аниқланмаган. Ўт йўллари эндоскопик дренажлангандан кейин бу беморларда сафро оқиши 2 ва 5 суткада тўхтаган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Асосий гуруҳдаги «кичик» шикастланишларда I даражали сафро оқшини жарроҳлик усулида коррекция қилиш (n=14)**

ХЭ дан кейин сафро оқиш манбаи (P. Neuhaus бўйича)		Ўтказилган амалиёт турлари	Сони
Периферик кам сафро оқиши	A <sub>1</sub> - ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги	РПХГ + ЭПСТ ва назобилиар дренажлаш	1
	C <sub>1</sub> – ГХ нуқсон	УТТ назорати остида билома пункцияси	1
Сафро оқиш манбаи аниқланмаган		Консерватив даволаш	9
		УТТ назорати остида билома пункцияси	2
		РПХГ + ЭПСТ ва назобилиар дренажлаш	1
Жами			14

Асосий гуруҳда II даражали сафро оқиши (n=12), холедохолитиаз ва билан билиар гипертензия ва ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги оқибатида ташқи сафро оқиши сабабли РПХГ ва ЭПСТ, назобилиар дренажлаш 2 нафар беморда сафро оқшини тўхтатишнинг якуний усули бўлган (3-расм).



**3-расм. РПХГ ва назобилиар дренажлаш**

Гепатикохоледохдаги дренаж найнинг тушиб қолиши билан 1 нафар беморда эндоскопик трансдуоденал аралашув ўтказиш орқали сафро оқишини тўхтатишга эришилган. Яна 3 нафар беморга РПХГ да сафро оқиш манбаъини аниқлаш имкони бўлмади, бироқ назобилиар дренаж найнинг ўрнатилиши сафро оқишини тўхтатиш имконини берган.

1 кузатувда эндоскопик трансдуоденал аралашувдан кейин ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги кузатилган, беморда сафро оқиши тўхтамади, беморда релапароскопия, ўт халта чўлтоғини такроран клипслаш бажарилган.

Шунингдек, 3 нафар бемордаги аберрант ўт йўлларида сафро оқишида релапароскопияда, перитонитга эга 1 нафар беморда релапаротомияда қайта боғлаш амалга оширилган. Релапаротомия, холедохолитотомия, холедохни ташқи дренажлаш, қорин бўшлиғи санацияси сафроли перитонит аниқланган 1 нафар беморда ўтказилган (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Асосий гуруҳдаги «кичик» шикастланишларда II даражали сафро оқишини жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш (n=12)**


ХЭ дан кейин сафро оқиш манбаи (P. Neuhaus бўйича)		Ўтказилган амалиёт турлари	Сони
Периферик кам сафро оқиши	А <sub>1</sub> - ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги	РХПГ + ЭПСТ ва назобилиар дренажлаш	2
		Релапароскопия, ўт халта чўлтоғини қайта клипслаш	1
		Релапаротомия, ўт чўлтоғини қайта боғланиши, холедохолитотомия холедохни дренажланиш	1
	А <sub>2</sub> - ўт халта ётоғидаги аберрант ўт йўллари	Релапароскопия, аберрант ўт чўлтоғини қайта клипслаш	3
		Релапаротомия, ўт чўлтоғини қайта боғланиши	1
С1 – ГХ нуқсони	ЭПСТ ва назобилиар дренажлаш	1	
Сафро оқиш манбаи аниқланмади		РХПГ + ЭПСТ ва назобилиар дренажлаш	3
Жами			12

Магистрал ўт йўллари шикастланишлари сабабли III даражали сафро оқиши асосий гуруҳдаги 11 нафар беморда кузатилган, бунда 7 нафар беморда ГХ шикастланиши холецистэктомия операциясидан кейин юзага келган. 4 нафар бемор шикастланган гепатикохоледох проксимал чўлтоғига ўрнатилган дренаж най билан бошқа стационарлардан келган.

3 нафар беморга ЖОКД билан Ру бўйича ГЕА ўрнатилган, 1 кузатувда эса каркас дренажсиз юқори прецизион ГЕА шакллантирилган (4-расм).

Операция вақтида аниқланган ГХ тўлиқ кесилиши бўлган 2 нафар беморга ҳам Ру бўйича каркас дренажсиз юқори прецизион ГЕА ўрнатилган.

Сафроли перитонит бўлган 1 нафар беморда биринчи босқичда қорин бўшлиғи санацияси ва жигар йўли проксимал чўлтоғининг дренажланиши ўтказилган. Реконструктив операция - ЖОКД билан ГЕА 3 ойдан кейин ўтказилган.



**4-расм. Нерр-Couinaud усулида ГЕА шакллантириш**

Қайта тиклаш операциялари 3 нафар беморда ўтказилган: - 1 нафар ГХ кесилиши бўлган беморга ББА ўрнатилган; - 3 нафар ўт йўлининг  $\frac{1}{2}$  диаметридан ортиқ бўлмаган шикастланиши кузатилган беморнинг 2 нафарида ўт йўлининг тикилиши, бир нафарида РПХГ дан кейин стент қўйиш бажарилган (6-жадвал).

Клиник тадқиқотларнинг натижалари бўйича биз “Операциядан кейинги эрта даврда, сафро оқиши диагностика қилинганда жарроҳлик тактикасини танлаш дастури”ни ишлаб чиқилган, ( DGU 07445 ЎзР интеллектуал мулк агентлиги томонидан 26.12.2019 йилда берилган гувоҳнома).

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Таққослаш гуруҳларида даволаш натижа- ларининг қиёсий таҳлили**» I-биринчи даражали сафро оқиши билан даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Кузатувларнинг  $\frac{2}{3}$  қисмида беморларга такрорий жарроҳлик аралашувлар қилинган ва консерватив даво фақат 36,9% ҳолларда амалга оширилган. Бевосита қарама-қарши натижалар асосий гуруҳда қўлга киритилган, бу ерда махсус эндоскопик ва диапевтик усуллар беморларнинг 35,7% такрорий жарроҳлик операцияларини олдини олишга имкон берди, қолган  $\frac{2}{3}$  қисмида консерватив терапия самарали бўлган.

**Беморларни асосий гуруҳда реконструктив-қайта тиклаш  
операциялари**

Шикастлан иш даражаси	Дренажда ГХ тикилиши		ББА		Эндоско- пик стентлаш		Каркассиз ГепЕА		ЖОКД да ГепЕА		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%
+2; +1 даража	2	18,2	1	9,1	1	9,1	3	27,3	-	-	7	63,6
0 даража	-	-	-	-	-	-	-	-	3	27,3	3	27,3
- 1 даража	-	-	-	-	-	-	-	-	1	9,1	1	9,1
Жами	2	18,2	1	9,1	1	9,1	3	27,3	4	36,4	11	100

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида II даражали сафро оқишида 100% кузатувларда қорин бўшлиғида такрорий аралашувлар ўтказилган – 6 нафар беморда релапароскопия, 11 нафарида – релапаротомия, бунда релапаротомия даражаси 64,7% ни ташкил этган. Шу билан бирга, асосий гуруҳда 50% беморларда эндоскопик трансдуоденал аралашувлар сафро оқишини тўхтатишнинг якуний усули бўлган. Қорин бўшлиғида такрорий аралашув бажаришни талаб қиладиган сафро оқиши 4 (34,4%) нафар беморда релапароскопия вақтида тўхтатилди. Релапаротомия даражаси 16,6% ни (2 нафар бемор) ташкил қилган.

Шундай қилиб, эндоскопик трансдуоденал амалиёт сифатида сафро оқишини тузатишнинг миниинвазив усуллари, УТ назорати остида қорин бўшлиғини пункцияси, лапароскопия ва шунингдек кундалик УТ мониторинг билан фаол консерватив терапия жорий қилиниши ўт йўллариининг “кичик” шикастланишлари бўлган беморларда 92,4% ҳолатда такрорий лапаротомиянинг олдини олиш имконини берган. Релапаротомия фақат 2 нафар беморда ўтказилган.

Қиёсий анализ натижалари магистрал ўт йўллариининг шикастланиши бўлган III даражали сафро оқишига эга беморлар гуруҳида даволаш натижаларининг таққослаш таҳлили прецизион техникадан фойдаланиб Ру бўйича юқори ГЕА қўйишнинг самарадорлигини исботлади.


3 нафар беморларнинг барчасида операциядан кейинги яқин ва узоқ даврда яхши натижалар кузатилган. Жигар орқали каркасли дренажлаш билан ГЕА қўйилиши (асосий гуруҳда 4 нафар ва таққослаш гуруҳида 8 нафар) ўт йўллари девори инфилтратиди ва юқори гилюс (0, -1 даража) шикастланишида билиодигестив анастомоз қўйилиш шубҳасиз ўзини оқлайди. ГЕА шакллантиришда, алмаштириладиган жигар орқали каркасли дренаж юқорида келтирилган ҳолатларда ўта зарур ва жарроҳнинг ишини енгиллаштиради. Бироқ дренаж найлари билан узоқ вақт (2-йилгача) юриш билан боғлиқ, бемор учун ноқулайлик, унинг меҳнатга лаёқатлилигини

сезиларли даражада тушириш ҳолатлари усулнинг қийматини камайтиради. Билиобилиар анастамоз (таққослаш гуруҳида 5 нафар беморда ва асосий гуруҳида 1 нафар беморда) ва ГДА (таққослаш гуруҳида 3 нафар беморда) барча ҳолатларда ГХ ва БДА стриктуралари билан яқунланган. Уларда такрорий реконструкция операциялар ўтказилди. ГХ нинг ½ дан кам диаметри шикастланганда, фақат прецизион техникадан фойдаланиш кўрсатма бўлади.

Таққослаш гуруҳида ХЭ дан кейин сафро оқиши туфайли такрорий аралашувлардан кейин йирингли-септик асоратлар 10 нафар (17,8%) беморда кузатилган; - сафроли перитонит 3 нафар (5,3%) беморда; диафрагма ва жигар ости абцессининг шаклланиши 3 нафар (5,3) беморда; операциядан кейин яранинг йиринглаши 4 нафар (7,1%) беморда кузатилган. Улардан 2 нафари (3,6%) ҳалок бўлди. Иккала кузатувда ҳам ўлим сабаби септик ҳолат фониди буйрак-жигарнинг ўткир етишмовчилиги бўлган.

Асосий гуруҳида ХЭ дан кейин сафро оқишини жарроҳлик билан тузатишдан кейин асоратлар 3 нафар (8,1%) беморда кузатилди. 2 кузатувда йирингли-септик асоратлар ривожланган, 1 ҳолатда – эндоскопик папиллосфинктеротомиядан кейин ўткир панкреатит. Асосий гуруҳида ўлим ҳолат кузатилмаган. Узоқ муддатли операциядан кейинги даврда таққослаш гуруҳида 8 нафар (14,2%) беморда холангит клиникаси билан кузатиладиган ГХ нинг ёки олдинроқ ўрнатилган БДА нинг чандиқли стриктуралари ривожланди. Бунда, улардан 3 нафари такроран операция қилинди – уларга Ру бўйича ГЕА ўрнатилган.

Асосий гуруҳида узоқ муддатда ГХ стриктураси 2 нафар (5,4%) беморда кузатилган – 1 нафариди ББА қўйилганида яна 1 беморда Т-симон дренажда умумий жигар йўлининг жароҳати тикилганида. Иккала беморга реконструкция операциялари ўтказилди – Ру бўйича ГЕА.



**5-расм. Тадқиқот гуруҳларида ХЭ дан кейин эрта ва кечки муддатларда сафро оқиши кузатилган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижалари**

Сафро оқиши беморларни даволаш муддатларини сезиларли даражада узайтирганлигини айтиб ўтиш лозим. ХЭ дан кейин беморларнинг стационар даволанишининг ўртача муддати 2-5 ( $3,4 \pm 1,2$ ) суткани ташкил қилган. Таққослаш гуруҳида ХЭ дан кейин сафро оқиши кузатилган беморларнинг стационарда бўлиши  $15,9 \pm 2,3$  суткани, асосий гуруҳда -  $12,3 \pm 3,1$  суткани ташкил қилган.

## ХУЛОСА

1. Холецистэктомиядан кейин сафро оқиши 1,6% (ЛХЭ дан кейин 2,1%) ни ташкил қилди ва деструктив холецистит туфайли шошилиш операциядан кейин 2 марта кўп содир бўлди. 2/3 беморларда сафро оқишининг сабаби «кичик» шикастланишлар, ўт халта ётоғидаги аберрант жигар-ўт халта йўллари (Люшка йўллари), ўт халта чўлтоғининг етишмовчилиги, гепатикохоledодан дренажнинг тушиши ва умумий жигар йўлининг тангенциал шикастланиши, 1/3 беморларда «катта» шикастланишлар – ГХ нинг кесилиши ва нуқсонли кесилиши бўлган.

2. Сафро оқиш манбаини аниқлаш ва уни даволаш учун даволаш диагностика алгоритми – I-даражали сафро оқишида УТТ мониторинг ва диапевтик усуллар, - II-даражали сафро оқишида трансдуоденал эндоскопик аралашувлар ва релапароскопия, III-даражада МРПХГ ва реконструктив операцияларни ўз ичига олиши лозим.

3. Асосий гуруҳда миниинвазив эндоскопик трансдуоденал аралашувлар, диапевтик усуллар ва лапароскопия, шунингдек, фаол консерватив терапиянинг қўлланилиши I- ва II-даражали сафро оқиши («кичик» шикастланишлар) кузатилган беморларнинг 92,4% да релапаротомиянинг олдини олиш имконини берган.

4. III-даражали сафро оқишида энг яхши натижалар прецизион техника ва Нерр-Сoinaud ва Cattel усулларида фойдаланиб, Ру бўйича юқори ГЕА ўрнатилишида олинган. ХЭ дан кейин сафро оқиши кузатилган беморларда диагностика-даволаш тактикасининг такомиллаштирилиши асосий гуруҳдаги беморларда даволаш натижаларини анча яхшилаш имконини берган. Операциядан кейинги эрта даврда асоратлар 8,1% ни, кечки муддатларда 5,4% ни ташкил қилди, ўлим ҳолатлари кузатилмади (таққослаш гуруҳида мос равишда 17,8% ва 14,2%, ўлим 3,6%).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АРЗИЕВ ИСМОИЛ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕБНОЙ ТАКТИКИ ПРИ  
РАННИХ БИЛИАРНЫХ ОСЛОЖНЕНИЯХ ПОСЛЕ  
ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/Tib.1103.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Зафаржон Курбаниязов</b> доктор медицинских наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ўроқов Шухрат Тўхтаевич</b> доктор медицинских наук <b>Махмадов Фаррух Исроилович</b> доктор медицинских наук, профессор ( Республика Таджикистан)
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии им.акад.В.Вахидова</b>

Защита состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, пр-т.Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail:

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 200118, г. Бухара, пр-т. Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.Ш. Иноятов**

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

**Н.А. Нуралиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире выполняют более 2,5 млн холецистэктомий в год. Миниинвазивные операции - лапароскопические или открытые из минидоступа – давно стали «золотым стандартом» хирургии и рационально дополняют друг друга. Вместе тем «... частота осложнений после этих вмешательств остается стабильной и недопустимо высокой и составляет, по данным разных авторов 1,5-6,8%». Частота желчеистечения после различных видов холецистэктомии составляет 0,53-6,3%<sup>1</sup>. Несмотря на современные достижения хирургии, «...проблема желчеистечения после холецистэктомии остается одной из самых сложных проблем для решения». Среди осложнений хирургического вмешательства после операции на желчных путях выделение желчи в раннем послеоперационном периоде следует рассматривать как самостоятельную проблему, поскольку оно имеет очень серьезные последствия и опасно для жизни<sup>2</sup>.

По всемирным данным, наиболее частыми интраабдоминальными осложнениями после операций, выполненных при заболеваниях желчевыводящей системы как традиционными, так и эндоскопическими способами, являются не только наружное желчеистечение, но и формирование желчных затеков в брюшной полости, желчный перитонит. В литературе опубликовано большое количество работ, посвященных проблеме билиарных осложнений, связанных с выполнением холецистэктомии. Частота подобных осложнений, по данным ряда авторов, составляет от 1,2 до 5,1%, а в некоторых наблюдениях достигает 24,5%. Основными причинами послеоперационного желчеистечения могут быть как «малые» повреждения - несостоятельность культи пузырного протока, аберрантные печеночно-пузырные протоки ложа желчного пузыря – ходы Люшка, выпадение дренажа из гепатикохоледоха, так и «большие» повреждения - ятрогенные травмы магистральных желчных протоков.

В нашей стране проводится широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В этом направлении, в частности, в улучшении хирургического лечения больных с заболеваниями желчевыводящих путей и сопутствующими хирургическими заболеваниями органов брюшной полости достигнуты положительные результаты. Вместе тем, для улучшения оказываемой помощи этим больным требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности хирургического вмешательства с учетом превращения периоперационных и послеоперационных осложнений и долгосрочной профилактики рецидива заболевания. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. [www.who.int/iris/handle/10442/133876](http://www.who.int/iris/handle/10442/133876).

<sup>2</sup> Abtar HK, Mhana TM, Zbibo R, Mneimneh M, Asmar AE. First case report of bile leak from the duct of Luschka in a patient with mini-gastric bypass: The challenge of management. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Sep 20;35:29-32.

развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов хирургического лечения больных с заболеваниями желчевыводящих путей, путём оптимизации диагностики и хирургической тактики, совершенствования способов хирургического лечения является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы Государственного управления сферой здравоохранения», №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся деятельности в данном направлении<sup>3</sup>.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Имеются разнообразные, порой противоречивые подходы, как к выбору метода верификации источника желчеистечения, к определению показаний к повторному вмешательству, так и к выбору способа коррекции этого осложнения (А.М.Хаджибаев и соавторы.,2019; Lubikowski J et al,2011).

